



## КЛАСТЕРЛАР МОЛИЯВИЙ САЛОҲИЯТИНИ БАҲОЛАШ

**Акбархўжаева Нилуфар Азимжановна**

*Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти таянч докторанти*

+998909247532

Молиявий салоҳият таркибига молиявий ресурслар, яъни корхона ихтиёрида бўлган ва қуйидаги мақсадларда фойдаланиш учун мўлжалланган пул маблағлари ва тушумлари киради:

➤ давлат, кредит тизими, хомашё ва мол етказиб берувчилар, суғурта органлари, бошқа корхоналар ва жисмоний шахслар, шунингдек, корхона ходимлари олдидаги молиявий мажбуриятларни бажариш учун;

➤ хўжалик фаолиятини ривожлантириш, ишлаб чиқаришга оид бўлмаган объектларга сармоя киритиш, истеъмол, жамғарма, махсусу резерв фондларини шакллантириш ва бошқа мақсадлардаги харажатларни амалга ошириш учун.

Кластерларни молиявий ҳолатини таҳлил қилиш услубий жиҳатдан бир қатор жараёнларни ўз ичига олади:

- таҳлил мақсадини аниқлаш;
- маълумотлар йиғиш;
- дастлабки маълумотларни қайта ишлаш;
- экспресс-таҳлил ўтказиш;
- батафсил таҳлил ўтказиш;
- қарорларни қабул қилишни асослаш.<sup>17</sup>

Кластерлар молиявий салоҳиятини таҳлилини амалга оширишда қуйидаги асосий йўналишлар ва кўрсаткичларга эътибор қаратиш лозим:

1. Молиявий барқарорликни таъминлаш:

- Ўз капитали ва мажбуриятларини қоплаш даражаси (капиталнинг активларга нисбати);
- Молиявий мустақиллик коэффиценти;
- Қарз юкининг миқдори ва унинг тузилиши (узоқ муддатли ва қисқа муддатли қарзлар);

2. Ликвидлик ва жорий тўлов қобилиятини таҳлил қилиш:

- Жорий ликвидлик коэффиценти;
- Ўз вақтида тўлаш қобилиятини баҳолаш учун тезкор ликвидлик коэффиценти;

➤ Нақд пул оқимлари ва нақд пулга айланиш даражаси.

3. Самарадорлик кўрсаткичлари:

<sup>17</sup> Подкопаев В. Развития методического обеспечения анализа экономического потенциала сельскохозяйственных предприятий // Режим доступа: [http://www.science.vsu.ru/dissertations/2915/Диссертация\\_Подкопаев\\_В.В.pdf](http://www.science.vsu.ru/dissertations/2915/Диссертация_Подкопаев_В.В.pdf).



## "INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2025"

- Активларнинг қайтарилиши;
- Ўз капиталининг қайтарилиши;
- Сотувдан тушум ва фойда маржалари.
- 4. Молиявий самарадорлик ва фойдалилик:
  - Сотувдаг кейинги фойда;
  - Операцион фойда;
  - Фойда маржаси ва харажатлар бошқаруви.
- 5. Қарз ва қарз юки билани боғлиқ кўрсаткичлар:
  - Қарзнинг умумий активларга нисбати;
  - Қарзни қайтариш қобилияти (қисқа ва узоқ муддатли);
  - Қарзга хизмат кўрсатиш кўрсаткичлари (физларни қоплаш
- коэффициенти).
- 6. Капитал тузилмаси ва молиявий ресурсларни бошқариш:
  - Ўз маблағлари ва қарз маблағларининг нисбати;
  - Молиявий ресурсларнинг тақсимоли ва улардан самрали фойдаланиш;

Пахта-тўқимачилик кластерларида молиялаштириш механизмлардан унумли фойдаланиш натижасида эришилган молиявий салоҳиятни тўлиқ ва ишончли баҳолаш учун кластернинг молиявий муносабатлар тизими ва ушбу тизим доирасида амалга оширилаётган қарз-кредит шартномалари, хусусан, тузилган молиявий контрактларнинг натижадорлиги ҳам таҳлил қилиниши керак. Бундан ташқари, дивиденд сиёсатининг асосланиши, солиқ юкламаси билан боғлиқ стратегиялар, шунингдек, инвестиция сиёсатининг мантиқий ва мақсадга мувофиқлиги молиявий салоҳият баҳосида муҳим рол ўйнайди. Оқилона ташкил этилган иолиявий бошқарув тизими корхонанинг молиявий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва унинг рақобатбардошлигини оширишда ҳал вилувчи омил ҳисобланади.<sup>18</sup>

Умуман олганда, молиявий салоҳиятни таҳлил қилишда интеграциялашган ёндашув қўлланилиб, у кластерни молиялаштириш имкониятлари молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги ва молиявий хавфларни бошқариш қобилиятини комплекс равишда баҳолашни назарда тутлади.

Навбатдаги босқичда кластернинг молиявий салоҳиятини баҳолаш учун ҳисобланган реал кўрсаткичлар асосида салоҳиятнинг потенциал даражаси аниқланади. Пахта-тўқимачилик кластерлари молиявий салоҳиятини баҳолашнинг таклиф этилаётган кўрсаткичлари ва уларнинг шкалалари 3-жадвалда берилган.

3-жадвал

Корхона молиявий ҳолатини баҳолаш кўрсаткичлари

<sup>18</sup> Абдумуротов Ш. Корхоналарни ривожлантиришда корхоналарнинг молиявий ҳолат таҳлилинини ўрни // Экономика и инновационные технологии. – 2021. - №3.



## "INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2025"

Кўрсаткичлар	Юқори (А)	Ўртача (В)	Паст (С)
Жорий ликвидлик коэффициенти	> 2,0	1,0 – 2,0	< 1,0
Тез ликвидлик коэффициенти	> 0,8	0,4 – 0,8	< 0,4
Мутлақ ликвидлик коэффициенти	> 0,2	0,1 – 0,2	< 0,1
Молиявий мустақиллик коэффициенти	> 0,5	0,3 – 0,5	< 0,3
Активлар рентабеллиги	> 0,1	0,05 – 0,1	< 0,05
Хусусий капитал рентабеллиги	> 0,15	0,1 – 0,15	< 0,1
Активлардан фойдаланиш самарадорлиги	> 1,6	1,0 – 1,6	< 1,0
Қарз маблағлари улуши	< 0,5	0,7 – 0,5	> 0,7
Жамғарилган капитал улуши	> 0,1	0,05 – 0,1	< 0,05

Учинчи босқичда молиявий салоҳият “Молиявий бошқарувнинг самарали тизими мавжудлиги” мезони асосида таҳлил қилинади. Бу мезон корхона фаолиятининг барча бўлим ва функциялари ўртасида мувофиқлаштирилган бошқарув тизими, шунингдек, жадал тактик-бошқарув механизмини ўз ичига олган технологик ёндашувни назарда тутаяди.

Эксперт баҳоси асосида корхонанинг молиявий салоҳияти даражаси куйидагича аниқланади:

Юқори даража – бюджетли режалаштириш тизимининг мавжудлиги;

Ўртача даража – режавий ҳисобот тизимининг мавжудлиги;

Паст даража – коэффициентлар асосида режалаштириш тизимининг мавжудлиги.

Якуний босқичда эса корхонанинг молиявий салоҳиятига комплекс баҳо берилади ва унинг умумий даражаси белгиланади. Бу баҳолаш натижаларига кўра:

Юқори молиявий салоҳият – кластер фойда билан ишлаётгани ва унинг молиявий барқарорлиги таъминланганлигини кўрсатади;

Ўртача молиявий салоҳият – кластер фойда билан фаолият юритмоқда, ammo унинг молиявий барқарорлиги ички ва ташқи омиллар таъсирида ўзгариши мумкинлигини билдиради;

Паст молиявий салоҳият – кластер молиявий жиҳатдан барқарор эмаслигини ва унинг молиявий ҳолати хавф остида эканлигини акс эттиради

Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини, шунингдек кластерларга аъзо бўлган корхоналарни фаолиятини молиялаштириш самарадорлигини оширишнинг муҳим ресурсларидан бири сифатида инвестицияларни тўғри тақсимлашни келтиришимиз мумкин. Бу жараённинг назарий асослари иқтисодий кластерларда молиявий ресурслар тақсимланишининг баланс қонунига асосида ишлаб чиқилган:

$$K_a^b = (K - K^b) \exp\left(\frac{h_a - f_a}{r}\right) \quad (3)$$



## "INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2025"

Бу ерда:  $K_a^b - a$  – рақамли кластер иштирокчисининг ресурслардаги оптимал улуши;  $K - K^b - b$  – рақамли ресурсга бўлган эҳтиёж (ортиқча ишлаб чиқаришни ҳисобга олмаганда);  $h_a$  – ишлаб чиқаришнинг шу секторидаги фойда нормаси;  $r$  – фоиз ставкаси;  $f_a$  параметри ишлаб чиқаришнинг ошиши натижасида юзага келиши мумкин бўлган масштабнинг салбий таъсирини характерлайди. Ўз навбатида  $f_a$  “b” рақамли ресурснинг истеъмол ҳажмига боғлиқ.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, биз тадқиқотимизнинг ушбу бандида кластерларнинг молиялаштириш самарадорлигини асосий жиҳатларини кўрсатиб бердик. Кластерларнинг ахборот ва ресурслар оқимларининг ўзаро алоқаларига таянадиган иқтисодий модели ишлаб чиқилди. Математик усуллардан фойдаланиб кластер иштирокчилари ўртасида инвестицияларни тақсимлашнинг оддий усули ишлаб чиқилди. Ушбу усул молиявий оқимларни оптимизация қилишга ёрдам беради. Бу эса кластер фаолияти самарадорлигини оширади, ресурсга бўлган эҳтиёжни ушбу ресурслардан келадиган фойда нормаси билан, ишлаб чиқаришнинг меъёрдан ортиқ ошиши натижасида харажатларнинг ошишида кўринадиган масштабнинг салбий таъсири билан ва фоиз ставкаси билан боғлайди.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Подкопаев В. Развития методического обеспечения анализа экономического потенциала сельскохозяйственных предприятий // Режим доступа: [http://www.science.vsu.ru/dissertations/2915/Диссертация\\_Подкопаев\\_В.В.pdf](http://www.science.vsu.ru/dissertations/2915/Диссертация_Подкопаев_В.В.pdf).
2. Абдумуротов Ш. Корхоналарни ривожлантиришда корхоналарнинг молиявий ҳолат таҳлилини ўрни // Экономика и инновационные технологии. – 2021. - №3.